

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA  
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**

**“IQTISODIYOT, BOSHQARUV,  
SOLIQLAR VA SUG'URTA ” KAFEDRASI**

**“Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida  
statistika tizimini yanada takomillashtirish”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy  
konferensiya materiallari to'plami



Toshkent 2022 yil 18 mart

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA  
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**

**“IQTISODIYOT, BOSHQARUV, SOLIQLAR  
VA SUG'URTA” KAFEDRASI**

**“Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida  
statistika tizimini yanada takomillashtirish”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy  
konferensiya materiallari to'plami

Toshkent 2022 yil 18 mart

3. Никафорова В.Д., Путахин Ю.Е., Никафоров А.А. Региональная экономика. Учебное пособие. – М.: РИОР. ИНФРА, 2016 г.

4. Домашенко А. А. Инструментарий оценки уровня социально-экономического развития муниципальных образований в регионах России: Автореф. дис. канд. экон. наук. Волгоград, 2007.

5. Нуриддинов З.А. Минтақалар иқтисодий ва бошқариш ҳуқуқий ва статистик ахборот базаларини такомиллаштириш масалалари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2017 йил, 3-сон.

## **МИНТАҚАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ**

*Нуриддинов Зуфар Акбарович – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, PhD*

*Эргашев Миржон Ёрқин ўғли – Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

Минтақалар ривожланишини статистик баҳолаш учун инновация ва инновацион жараёнлар ҳамда инновацион ривожланишнинг мавжуд манбалари таҳлили асосида унинг классик ва ноклассик йўналишлари, Й.Шумпетр ва унинг издошлари ёндашуви, рус олимлари йўналиши, ички ўсиш назарияси, инновацияга эволюцион ёндашув йўналишлари тадқиқотимиз давомида аниқланди.

Олимлар томонидан, инновация ёки инновацион маҳсулотларга турли хил таърифлар берилган. Бу атамаларга, айрим луғатларда янги киритилган қоида, янгилик, деб таъриф берилса, айримларида узундан-узоқ таъриф келтирилади. Уларнинг мазмунан бир-бирига ўхшашларини бирлаштирсак, қўйидаги маъно келиб чиқади: инновация – янги маҳсулот, хизмат ва технология ёки янги ташкилий-иқтисодий шакл тимсоли, лойиҳалаштиришда, ишлаб чиқаришда, сотишда, истеъмолда ва утилизация қилишда аниқ сифатий устунликка эга бўлган, олдинги маҳсулот ёки ташкилий-иқтисодий шаклларга нисбатан иқтисодий ва ижтимоий мафаатни таъминлайдиган инновацион фаолият натижасидир. Айрим олимлар инновация деганда, барча соҳага янгилик киритишни тушунишади.

Умуман олганда, инновацияга турли илм вакиллари ўзига яқин, аниқроғи, ўзига керак нуқтаи назардан қарашади. Бу омил инновацияга умумий таъриф яратишни янада қийинлаштиради. Бунинг устига кўпчилик инновацияни унга яқин бўлган тушунчалар билан аралаштиришади.

Фикримизча, инновацияга энг яхши таърифни Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев бердилар. У кишининг фикрича, «инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

Минтақанинг инновацион ривожланиши у инновацион жараёни босиб ўтишини талаб қилади. Инновацион жараён бир нечта сегментларни ўзига бирлаштирувчи мураккаб бирикма бўлиб, қуйидаги локал жараёнларни ўз ичига олади: – илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини инвестициялаш; интеллектуал маҳсулотни яратиш операциялари йиғиндиси; инновацион маркетинг ва иқтисодий самарадорликни статистик баҳолаш; Start – UP (истикболдаги ишлаб чиқаришнинг шаклланиши; ишлаб чиқариш жараёни инновацияси; инновацияни сотиш ва унинг ҳаракати жараёни; инновацияни тарқатиш, кенгайтириш ва диверсификациялаш).

Инновацион жараён кўп қиррали ва турли нуқтаи назардан кўриб чиқилиши мумкин. У инновацион фаолиятни тижоратлаш самарадорлигини характерлайди, яъни, унинг статистик-иқтисодий таҳлили ишланмасининг фойдалилиги ва яратилган илмий ғояларнинг натижадорлигини аниқ ҳисоблашга имкон беради.

«Инновацион ривожланиш» ёки «ривожланишнинг инновацион йўли» каби сўзлар жуда кўп ишлатилади. Ушбу муаммо билан шуғулланиш XX аср бошида бошланганлигига қарамасдан ҳозиргача инновацион ривожланиш йўлининг ўзи нима, деган саволга бир хил жавоб йўқ. Бунинг устига мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлини ва уни таъминлаш манбаларини танлаш бўйича деярли ҳеч нарсага эришилмаяпти. Ушбу атамани биринчи бўлиб, илмий муомалага Й.Шумпетр киритган (1912 й.). Унинг фикрича, инновацион ривожланиш таҳлилида асосий эътиборни янгиликларни татбиқ қилишга сабаб бўлувчи ўзаро ҳаракатланувчи омилларга қаратиш зарур.

Кўпчилик олимлар ушбу таклиф тақиқлаш характериға эға эканлигини ҳисобға олган ҳолда «инновацион ривожланиш» атамасини илмий муомалаға киритдилар. Бу, Й.Шумпетр ғоясидан воз кечилди, дегани эмас. Й.Шумпетр ғояси инновацион жараённинг бир қисми бўлиб қолаверади.

Кейинги пайтларда иқтисодиётнинг ривожланиши инновацион омиллар орқали баҳоланиши таклиф қилина бошланди. Асосий омилларға таълим (Джош Лернер, Скотт Штерн ва бошқалар), йирик компаниялар (Economics дарслиги муаллифлари Мокконел К.Р., Брю С.Л., Торрессис ва бошқалар), юқори малакали кадрлар, халқаро алоқалар, ички талаб ва бошқалар киритилмоқда.

Нисбатан ёш, айрим олимлар фикрича, «инновацион ривожланиш» деганда паст технологик укладлардан юқорисига ўтиш тушунилади. Жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланишида миқдорий ва сифатий кескин (сакраб ўтишни) ўзгаришларни таъминлайдиган инқилобий кашфиётларға технологик уклад, дейилади.

Маълумки, яқин 50 (2020–2070) йил ичида барча миллатлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам глобал информацион ва коммуникацион тизим, робототехника, биотехнология, нонотехнология, юқори заковатға асосланиб яшайди. Буларнинг барчаси фан талабчанлиги оширилишини талаб

этади. Демак, нафақат мамлакат ривожланиши фаннинг ривожланишига таъсир этади, айнан фаннинг ривожланишини тезлаштиради ҳам.

Юқоридаги назарий таъриф ва эътирофларни амалиётда бўлаётган ҳолатини баҳолаймиз. Бунда, мамлакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоятини минтақаларга (Шимолий (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), Ғарбий (Бухоро ва Навоий вилоятлари), Жанубий (Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари), Марказий (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри), Шарқий (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари)) бўлиб статистик баҳолашни амалга оширдик.

Республика ва унинг минтақаларини инновацияга сарфлаган харажатлари ривожланган давлатлардагидан анча паст бўлишига қарамасдан, ижобий тенденцияларга эга. Инновация таркиби ва минтақаларнинг улуши бўйича ижобий тенденциялар аниқланмади. 1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, Марказий минтақа энг юқори даражага эришган, яъни унинг улуши кейинги йилларда 70 %дан, айниқса, охириги икки йилда 80 %дан ошган. Энг ёмон даражага эришган минтақа – Жанубий минтақа. Охириги йилларда унинг улуши бир фоизни ҳам эмас, ўртача 0,8 %ни ташкил қилган. Шарқий минтақада пасайиш тенденцияси мавжуд, Шимолий минтақада бир текслик мавжуд эмас охириги беш йилда республикадаги улуши 2,7 фоиз бандга пасайган. Ғарбий минтақада эса ушбу кўрсаткич бўйича нобарқарор ўсишга эга, яъни охириги беш йилда республикадаги улуши 5,8 фоиз бандга ошган.

**1-жадвал**

**Республикада инновацияларга сарфланган харажатлар ҳажмида минтақалар улуши, %**

Республика ва минтақалар	Йиллар					2016 йилдан 2020 йилни фарқи (+;-)
	2016	2017	2018	2019	2020	
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	
Шимолий минтақа	5,3	1,8	3,2	2,4	2,6	-2,7
Ғарбий минтақа	6,4	13,2	9,7	12,4	12,2	5,8
Жанубий минтақа	0,7	0,9	1,2	0,6	0,4	-0,3
Марказий минтақа	73,2	78,6	77,5	81,5	81,6	8,4
Шарқий минтақа	14,4	5,5	8,4	3,1	3,2	-11,2

Бундай ҳолат республика минтақаларининг бир тексда ривожланишига тўсқинлик қилади ва ривожланишида дисбалансни келтириб чиқаради. Агарда тармоқлар кесимида таҳлил қилсак, аҳвол янада ёмон. Масалан, қишлоқ хўжалиги улуши 0,3 %, таълим, маданият ва санъат тармоқлари ҳиссаси ундан ҳам паст: 0,2 %. Асосий маблағ саноатда. Саноатда ҳам асосан энергетика тармоғига энг кўп маблағ сарфланган. Харажатларга мутаносиб равишда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш вариацияси жуда катта. Масалан, саноат тармоғининг улуши ошиб боришига қарамасдан ҳозирги кунда ҳам 70 %дан

ортиқ, қурилиш тармоғининг улуши 0,55 %ни, соғлиқни сақлаш тизими улуши бор-ёғи 0,04 %ни ташкил қилади.

Ўз кучи билан инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича таркибий таҳлил ҳам ачинарли натижаларни берди. Масалан 2-жадвал маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича ҳам Марказий минтақа алоҳида ажралиб туради. Унинг ҳиссаси 50 %дан ошиқ. Шимолий минтақада пасайиш тенденцияси кузатилди, яъни охириги беш йилда республикадаги улуши 17,5 фоиз бандга пасайган. Ғарбий минтақа ҳиссаси 2020 йилда 2016 йилдагига нисбатан 2,3 фоиз пунктга ошган. Жанубий минтақада ҳам Ғарбий минтақага ўхшаш ҳолат: 0,6 фоиз бандга ошган. Шарқий минтақада эса 2020 йилда 2016 йилдагига нисбатан 9,0 фоиз пунктга ошган.

## 2-жадвал

### Республикада ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот(иш, хизмат)лар ҳажмида минтақаларнинг улуши, %

Республика ва минтақалар	Йиллар					2016 йилдан 2020 йилни фарқи (+;-)
	2016	2017	2018	2019	2020	
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	
Шимолий минтақа	19,0	21,9	3,8	3,4	1,5	-17,5
Ғарбий минтақа	1,5	2,0	13,9	3,4	3,8	2,3
Жанубий минтақа	2,3	1,1	4,7	10,3	2,9	0,6
Марказий минтақа	64,8	51,2	58,0	63,8	70,4	5,6
Шарқий минтақа	12,4	23,8	19,6	19,1	21,4	9,0

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва юқорида келтирилган таҳлиллар кўрсатишича, инновацион маҳсулот ҳажмини оширишда инвестиция ҳажми ва инновацион харажатларнинг кўпайиб бориши жуда муҳим.

Шундай қилиб, умумий ҳолда инновация, Президентимиз таъкидлаганларидек, илмга асосланиш, китоб ўқиш ва яратиш. Инновацион жараён эса, илмга асосланиб, янги технология ва ишлаб чиқариш усулининг пайдо бўлиши, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, яратилган ёки тақлиф этилган янги технология, техника ва ишлаб чиқариш усуллари амалиётга қўллаган ҳолда жаҳонда рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар тақлиф этиш ҳамда провард-натижада аҳоли турмуш даражасини ва ҳаёт сифатини оширишдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.– 56 б.
2. Шодиев Х.А., Ҳабибуллаев И. Статистика.// Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2018.–253-268 б.

3. А.Солиев, Э.А.Аҳмедов, Р.Й.Маҳамадалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажанова. Минтақавий иқтисодиёт.// Ўқув кўлланма. – Т.: «Университет» нашриёти, 2003. – 145 б.

4. Никафорова В.Д., Путахин Ю.Е., Никафоров А.А. Региональная экономика. Учебное пособие. – М.: РИОР. ИНФРА, 2016 г. С.9.

5. Нуриддинов З.А. Минтақалар иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва инвестицион жозибадорлигини статистик баҳолаш. Фалсафа доктори диссертация Автореферати. Тошкент 2020 й. 64 б.

<b>Ж.Ч. Муродов., М. Ч. Муродова</b> -Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш ва ташкилий-иқтисодий асосларининг замонавий ҳолати.....	597
<b>С. К. Тангрибердиев</b> - Худудларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш йўллари.....	600
<b>З. А. Нуриддинов., М.Ё. Эргашев</b> -Минтақаларнинг инновацион ривожланишини статистик баҳолаш.....	603